

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ХОЛОВ АКТАМ ХАТАМОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА
БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Холов Актам Хатамович

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштириш 3

Холов Актам Хатамович

Совершенствование механизмов принятия управленческих решений в органах государственной власти на местах 27

Kholov Aktam Xatamovich

Improving the mechanisms for making managerial decisions in local executive bodies..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.16.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ХОЛОВ АКТАМ ХАТАМОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА
БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt 401 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович иктисодиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Йўлдошев Нуриддин Қурбонович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Хошимов Ақром Абдиевич иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю.Ходиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н.Самадов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.А.Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда муниципал бошқарув тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Европанинг иқтисодиёти ривожланган давлатлари муниципал ҳокимият органларида очиклик ва шаффофликка асосланган, оптимал бошқарув қарорлари қабул қилиш, уларни амалга оширишнинг самарали механизмларини такомиллаштириш йўналишлари ва мазмунига алоҳида аҳамият берилмоқда. Давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бошқарув тизимининг барқарорлигини таъминлаш омили ҳисобланади. Жаҳонда муниципал ҳокимият органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмларини замонавий билим ва инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириш, бошқарув қарорларини кечиктирмай қабул қилишнинг таъсирчан механизмини яратиш, муқобиллик асосида очиклик ва шаффофликка асосланган бошқарув қарорлари қабул қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ижро этувчи ҳокимият органларида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини идоралараро электрон келишиш тартиб-таомилини оптималлаштириш ва расмиятчиликнинг олдини олишга қаратилган тизимини жорий этиш самарали қарор қабул қилиш механизмларини вужудга келтирди. Хусусан, айрим мамлакатларда (Австралия, Япония, Янги Зеландия, Норвегия, Буюк Британия, АҚШ) маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёни кўпроқ очиклик ва шаффофликка асосланиш (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида жамоатчилик эшитуви ва муҳокамаси ҳамда давлат маслаҳатлашувини ташкил этиш) тенденцияси кузатилади. Бу маҳаллий давлат бошқарувида «New public management» («Янги давлат бошқаруви») ва «Good governance» («Самарали давлат бошқаруви») тамойиллари жорий этилишида намоён бўлмоқда. Шунингдек, «бошқарув қарорлари қабул қилишнинг дастурий таъминоти ва инновацион механизмларини такомиллаштириш моделлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда»¹.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар даврида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарор қабул қилишдаги ваколатларини кенгайтиришга, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали қарор қабул қилиш тизими ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида «бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш»² вазифаси қайд этилганлиги бу борада илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини англатади. Шунингдек, 2017 – 2021 йил-

¹ The Institute for the Interdisciplinary Study of Decision Making (ISDM) // <https://isdman.nyu.edu/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ – 5185 – сонли Фармони // www.lex.uz

ларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг биринчи бандида «ақлли тартибга солиш» модели ва қабул қилинаётган қарорлар таъсирини таҳлил қилиш методологиясини жорий этиш вазифаси белгиланганлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли фармонлари, 2017 йил 6 майдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2960-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 декабрдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 973-сонли қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб хорижий олимлар, жумладан, Г.Наяк, А.Х.Секейра, С.Сенапати, О.Негулескуа, Е.Довальб, О.Итани, У.Ж.Эвурум, В.И.Укпере, К.Вильялос, Р.Антони ва П.Ф.Друкерлар томонидан тадқиқ этилган³.

³ Gautham Nayak A.H.Sequeira, Sanjay Senapati. Management Information System for Effective and Efficient Decision Making: A Case Study. Number of pages: 20 Posted: 11 Nov 2012. / <https://www.researchgate.net/publication/256039738>; Oriana Negulescu, Elena Doval. The quality of decision-making process related to organizations' effectiveness. Procedia Economics and Finance 15 (2014) 858 – 863; O.Itanyi, U. J. F. Ewurum, and W. I. Ukpere, «Evaluation of decision making criteria with special reference to quantitative and qualitative paradigms», African Journal of Business Management Vol.6 (44), pp. 11110–11117, 7 November 2012 / Available online at <http://www.academicjournals.org/AJBM>; Villalobos Q, Geraldina. 2005. Performance Evaluation Models For Strategic Decision – Making: Towards a Hybrid Model; Dissertation for Degree of Philosophy. Wang TC, Chen YH. 2007. – Applying Consistent Fuzzy Preference Relations To Partnership Selection. Omega, the International Journal of Management Science 35, 384–388; Raluca ANTONIE The role of program evaluation in the decision-making process./ Transylvanian Review of Administrative Sciences, No. 33 E/2011, pp. 23–29; Drucker, P. F. The effective decision. Harvard Business Review, January/February 1967, Volume 45, Issue 1, pp 92–98.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.П.Егорушков, Ю.Ю.Кинев, Б.Г.Литвак, О.Д.Гуджаян, Н.Д.Кликунов, А.О.Мальковская, Ю.В.Соловьева⁴ ва бошқалар бошқарув қарорлари қабул қилиш усуллари, технология ҳамда механизмларини тадқиқ этишган. Жумладан, Г.М.Шамарова, Е.А.Лубашев ва М.В.Лукинлар муниципал бошқарувда қарор қабул қилишга таъсир этувчи омилларни⁵, З.Р.Алижанова давлат хизмати тизимида қарор қабул қилиш масалаларини⁶, В.Н.Афанасьев ҳудудларда бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш моделлари ва тизимларини⁷ тадқиқ қилишган.

Ўзбекистонда менежмент фани доирасида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг илмий-амалий жиҳатлари Н.Қ.Йўлдошев, Р.И.Нурибетов, Д.Н.Рахимова, Қ.Х.Абдурахмонов, Б.С.Омонов, Р.Турсунов, Т.С.Маликов, А.А.Хошимов, Ш.Н.Зайнутдинов, М.Шарифхўжаев, С.С.Ғуломов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган⁸.

Мазкур тадқиқот ишларида бошқарув қарорларига доир муайян хулосаларга келинган бўлса-да, лекин маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштириш масаласи алоҳида тадқиқот объекти сифатида комплекс ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф1-063 «Давлат бошқарувининг ҳуқуқий масалалари ва бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларини тадқиқ этишнинг методологик асослари» (2012 - 2016 й.) ва

⁴ Егорушков А.П. Управленческие решения в системе государственной службы: особенности принятия и контроля исполнения. Дис. канд. экон. наук. – М.: РАГС, 1997. – С.187; Кинев Ю.Ю. Оценка рисков финансово – хозяйственной деятельности предприятий на этапе принятия управленческого решения // Маркетинг в России и за рубежом. 2000. – №5; Литвак Б. Г. Экспертные оценки и принятие решений. – М.: Патент, 1996; Гуджаян О.Д. Методы оценки эффективности управленческих решений: Учебное пособие. – М.: Дело, 2007; Кликунов Н.Д. Проблемы оценки эффективности разработки и принятия управленческого решения в системе государственного и муниципального управления. // Инновации в системе государственного и муниципального управления: Сборник научных статей. Курск: изд-во Курск. гос. пед. ун-та, 2001. – 105–113; Мальковская А. О.Соловьева Ю. В. Эффективность принятия управленческих решений и оценка деятельности работников государственной гражданской службы // Вестник РАГС, 2008. – №1. – С. 47.

⁵ Лукин М.В. Проблемы оценки эффективности деятельности исполнительных органов государственной и муниципальной власти в Российской Федерации / М.В. Лукин, Е.А. Лубашев // Теория и практика сервиса. №4(14), 2012 с. 99 – 111; Шамарова, Г. М. Эффективность принятия управленческих решений в системе муниципального управления // Управление персоналом. 2008. № 1.<http://www.hr-portal.ru/article/effektivnost-prinyatiya-upravlencheskikh-reshenii-v-sisteme-munitsipalnogo-upravleniya>.

⁶ Алижанова З. Р. Оценка эффективности управления в системе государственной службы // Социология власти. 2015. № 2. – С. 195–202.

⁷ Афанасьев В.Н., Шеврина Е.В., Афанасьева А.В. Оценка эффективности управленческих решений в регионе. Известия Оренбургского государственного аграрного университета. теоретический и научно практический журнал том: 3 номер: 7-1 год: 2005. – С. 14-19.

⁸ Йўлдошев Н.Қ. Стратегик менежмент. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2013; Нурибетов Р.И. «Менежмент назарияси» фани (маъруза матнлари). – Т.: ТАҚИ, 2007; Рахимова Д.Н., Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқ. Замонавий менежмент: назария ва амалиёти. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009; Турсунов Р. «Қарор қабул қилишнинг микродорий усуллари» ўқув курси бўйича таълим технологияси. – Т.: ТДИУ, 2012; Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари. –Т.: Шарқ, 1996; Зайнутдинов Ш.Н. Кодирходжаева Н.Р. «Менежмент» фани (маъруза матнлари). – Т.: ТДИУ, 2005; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. –Т.: Ўқитувчи, 2001; С.Ғуломов С. Менежмент асослари. –Т.: Шарқ, 2002.

Ф1-067+(Ф1-089) «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг назарий-методологик масалалари» (2012 - 2016 й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштиришнинг назарий методологик, ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш;

оптимал бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмлари бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш ва «ақлий марказлар» ташкил этиш шартлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида очиқликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш моделини ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш мезон ва тамойилларини ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида инновацион услубларни жорий этиш орқали бошқарув қарорлари қабул қилиш алгоритминини таклиф этишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг бошқарув қарорлари қабул қилишга доир фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш шароитида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, институционал таҳлил, контент таҳлил, функционал таҳлил, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, иқтисодий-функционал таҳлил, иқтисодий-математик таҳлил, индекс ва баланс усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари лойиҳаларининг муқобил вариантларини онлайн тартибда муҳокама қилиш орқали очиқлик ва шаффофликка асосланган қарор қабул қилиш модели такомиллаштирилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг «smart regulation» механизмини жорий этиш орқали уларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш услуби таклиф этилган;

очиқлик, шаффофлик, тизимлилик, келишилганлик ҳамда жамоатчилик жалб этилишини таъминловчи концептуал жиҳатдан янги механизмларни жорий этишни назарда тутувчи бошқарув қарорларини электрон тарзда илгари суриш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тизими таклиф этилган;

маҳаллий ижро ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари лойиҳаларига электрон кўринишда виза қўйиш, уларни муҳокама қилиш ва баҳолашдан иборат идоралараро электрон келишиш механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида бошқарув қарорлари қабул қилиш мезон ҳамда тамойиллари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг муҳокамаси таҳлил этилиб, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари сайтида бошқарув қарорлари муҳокамасини ташкил этиш архитектураси ишлаб чиқилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиклик ва шаффофликка асосланган бошқарув қарорлари қабул қилиш алгоритми ишлаб чиқилган;

маҳаллий ижро ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари лойиҳаларини идоралараро электрон келишиш тартиб-таомилини оптималлаштириш ва расмийлаштиришнинг олдини олишга қаратилган механизми ишлаб чиқилган ҳамда айрим туман ҳокимликлари амалиётида жорий этилиб, тегишли натижалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари раҳбар ва бошқарув кадрлари ўртасида ўтказилган сўровномалар анкета шаклига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларига асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига доир маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишининг илмий хулоса ва амалий тавсияларидан Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштиришга доир махсус тадқиқотларни амалга оширишда, ижро ҳокимияти органларида самарали бошқарув қарорлари қабул қилишнинг аниқ мезон ва тартибларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсияларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, ижро ҳокимияти тизимидаги ташкилот ва муассасаларда самарали қарор қабул қилиш амалиётини жорий этишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида «Тизимли таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш», «Бошқарувда оптимал қарорлар қабул қилиш технологиялари», «Худудий бошқарув ва минтақани ривожлантиришни стратегик

режалаштириш» ва «Менежментнинг замонавий усуллари» модуллари, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асосида:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари лойиҳаларининг муқобил вариантларини онлайн тартибда муҳокама қилиш орқали очиқлик ва шаффофликка асосланган қарор қабул қилиш модели бўйича берилган таклифлар Фарғона вилояти ҳокимлиги фаолиятида жорий этилган (Фарғона вилоят ҳокимлигининг 2018 йил 12 мартдаги 04-08/846-сон маълумотномаси). Натижада вилоят ҳокимининг 2017 йил 30 декабрдаги «Фарғона вилоятининг 2018 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида»ги 628-сонли, 2018 йил 27 мартдаги «Бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини тасдиқлаш ҳақида»ги 148-сонли ва 2018 йил 13 январдаги «Вилоятда 2018 йилда бошқоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларда такрорий экинларни жойлаштириш тўғрисида»ги 13-сонли қарорларини қабул қилишга хизмат қилган;

очиқлик, шаффофлик, тизимлилик, келишилганлик ҳамда жамоатчилик жалб этилишини таъминловчи концептуал жиҳатдан янги механизмларни жорий этишни назарда тутувчи бошқарув қарорларини электрон тарзда илгари суриш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тизими бўйича таклифлари Жиззах вилоятининг Арнасой, Сирдарё вилоятининг Оқолтин, Бухоро вилоятининг Шофиркон, Фарғона вилоятининг Қўштепа, Сурхондарё вилоятининг Узун, Самарқанд вилоятининг Ургут ва Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманлари фаолиятига жорий этилган (Жиззах вилояти Арнасой туман ҳокимлигининг 2018 йил 21 апрелдаги 01-546-сон, Сирдарё вилоят ҳокимлигининг 2018 йил 2 майдаги 3/01-2867-сон, Бухоро вилояти Шофиркон туман ҳокимлигининг 2018 йил 27 апрелдаги 275-сон, Фарғона вилояти Қўштепа туман ҳокимлигининг 2018 йил 10 майдаги 2463/1-сон, Сурхондарё вилояти Узун туман ҳокимлигининг 2018 йил 25 майдаги 109/01-31-сон, Самарқанд вилояти Ургут туман ҳокимлигининг 2018 йил 28 майдаги 08-16/319-сон, Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг 2018 йил 4 июндаги 03/1449-сон маълумотномалари). Натижада туман ҳокимликларида очиқликка асосланган самарали қарорлар қабул қилиш тизими татбиқ этилиб, туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «Йўл хариталари» ишлаб чиқилган;

маҳаллий ижро ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари лойиҳаларига электрон кўринишда виза қўйиш, уларни муҳокама қилиш ва баҳолашдан иборат идоралараро электрон келишиш механизми бўйича берилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг 2018 йил 18 июндаги 01/1-349-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича тадқиқот режаси ишлаб чиқилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг «smart regulation» механизмини жорий этиш орқали уларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубига оид илмий хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг назарий-методологик масалалари», «Давлат бошқарувида раҳбар кадрларга қўйилган талабларнинг назарий-методологик асослари» ва «Ёшларда тадбиркорлик ижтимоий масъулиятини ошириш тамойиллари» номли ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2018 йил 27 июндаги 03/1241-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши академия тингловчилари учун ўқитиладиган «Тизимли таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш», «Маҳаллий бошқарув» ва «Менежментнинг замонавий усуллари» фанлари ўқув дастурларини (2017 йил 30 августдаги 1-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган) ҳамда фанларнинг тегишли мавзулари бўйича маъруза матнлари, ўқув-услубий комплекс материаллари, машғулот сценарийлари, назорат саволларини тайёрлашга хизмат қилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари лойиҳаларини «Assessment-centre» услуби асосида баҳолаш амалиётини жорий қилиш ва давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув кадрларини инновацион менежмент йўналишида малакасини ошириш каби таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли фармони асосида тасдиқланган Давлат дастурининг 11-бандида «Давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув кадрлари салоҳиятини баҳолашнинг янги усуллари жорий қилиш» вазифасини белгилашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси «Тараққиёт стратегияси» марказининг 2018 йил 29 январдаги 0166/18-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини «Assessment-centre» услуби асосида баҳолаш амалиёти жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш, жумладан, 4 та монография, 1 та рисола, 3 та ўқув қўлланма, ОАК эътироф этган миллий журналларда 16 та, нуфузли

хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, 20 та маъруза тезислар нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, ўн параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, ишнинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида бошқарув қарорлари қабул қилишга доир концепциялар ва уларнинг талқинлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг ташкилий-услубий асослари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида бошқарув қарорлари қабул қилишга доир илмий-назарий жиҳатлар ёритиб берилган.

Бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштириш, бошқарувнинг барча бўғинидаги раҳбар кадрлар фаолиятида самарали қарор қабул қилиш усулларини татбиқ этиш заруриятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарларида келтирилган раҳбар кадрлар фаолиятида бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнида учрайдиган қуйидаги муаммолар билан изоҳлашимиз мумкин (1-расм):




1-расм. Раҳбар фаолиятида самарасиз бошқарув қарорлари қабул қилиниши сабаблари⁹

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Раҳбар фаолиятида самарасиз бошқарув қарорлари қабул қилиниш сабабларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди: баъзи ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида раҳбар кадрлар томонидан қабул қилинаётган бошқарув қарорлари лойиҳалари тегишли тартибда муҳокамадан ўтказилмаслиги, қарор қабул қилишда манфаатдор томонларнинг жалб этилмаслиги ва қарор қабул қилишда замонавий менежмент усулларидан фойдаланилмаслиги кузатилади. Демак, бугунги кунда бошқарув қарорлари қабул қилишнинг замонавий усуллари маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, жумладан, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари фаолиятига татбиқ этишнинг назарий-методологик ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиларидан 116 нафар ва Сурхондарё вилоятининг Узун, Самарқанд вилоятининг Ургут туманларидаги раҳбар кадрлардан 113 нафар, жами 229 та респондент ўртасида «Маҳаллий ижро ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмлари»га доир анкета сўровнома ўтказилди. Сўровномада иштирок этганларнинг 56 фоизи 26 - 35 ёш оралиғидаги раҳбарлар, 44 фоизи 36 - 46 ёш оралиғидаги раҳбар кадрлар ҳисобланади. Сўров натижалари асосида маҳаллий ижро ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анкета сўровномада «Сизнингча, раҳбар фаолиятида самарасиз бошқарув қарорлари қабул қилиниш сабаблари нима, деб ўйлайсиз?» деган саволга 38% респондент «қарорнинг камчилиги» деб, 20% респондент «кутилмаган вазиятлар» деб, 12% респондент «ижрочининг айби» деб, 8% респондент «жавоб беришга қийналаман» деб жавоб беришган. Шунингдек, 22% респондент раҳбар фаолиятида самарасиз қарорлар қабул қилишга «бошқа омиллар таъсири»ни айтишган (2-расм).




2-расм. Раҳбар фаолиятида бошқарув қарорлари қабул қилинишига таъсир этувчи омиллар

Россиялик иқтисодчи олим А.Л.Ломакин¹⁰ таъкидлашича, қарорлар самарасизлигининг сабаби 39% ҳолатда «кутилмаган вазиятлар», 25% ҳолатда

¹⁰Ломакин А.Л. Управленческие решения: Учеб. пособие. / Ломакин А.Л., Буров В.П., Морошин В.А. – 2-е изд. – М.: ФОРУМ, 2009. – С. 63 - 73.

«ижрочининг айби», 36% ҳолатда «қарорнинг камчилиги»да бўлади. Қарор самарасизлиги сабаби «ижрочининг айби» ва «қарорнинг камчилиги» бўлишини раҳбарнинг қарор қабул қилишда хатога йўл қўйганлиги билан изоҳлаш мумкин. Тадқиқотимиз давомида ўтказилган сўровномага кўра, 38% респондент самарасиз бошқарув қарорлари қабул қилинишига «қарорнинг камчилиги» деб жавоб берганлиги А.Л.Ломакин тадқиқот натижаларидан фарқ қилади. Мазкур ҳолатда бошқарув қарорлари қабул қилишда ментал хусусиятларни, яъни бошқарув кадриятларини ҳам ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Бу, ўз навбатида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида очиқлик, шаффофлик, тизимлилик, келишилганлик ҳамда жамоатчилик жалб этилишини таъминловчи концептуал жиҳатдан янги механизмлар жорий этишни назарда тутувчи бошқарув қарорларини илгари суриш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш алгоритми (электрон қарор қабул қилиш тизими)ни ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради (3-расм).



3-расм. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш алгоритми¹¹

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистондаги ментал хусусиятлардан келиб чиқиб, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятига баҳо бериш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бу борада ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини (сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг) жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг институционал жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш мезонларининг таҳлили, шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг инновацион механизмини жорий этиш ҳолати ҳамда қабул қилинаётган қарорларни тартибга солиш таъсирини таҳлил қилишнинг стандартлашган услубиётини жорий этиш масалалари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг бошқарув қарорлари қабул қилишда амал қилиши лозим бўлган жиҳатлар тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Кўплаб ташкилот ва идораларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир энг муҳим дастурларни амалга ошириш ўрнига, аксарият ҳолларда, фақат йиғилишлар ўтказиш ва пухта ўйланмаган қарорлар қабул қилиш, амалий иш қолиб, қоғозбозлик билан шуғулланиш ҳолатлари учрапти»¹², деган фикрларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномавий-ҳуқуқий ишларни бажариш борасидаги фаолиятида қабул қилинган қарорлар таҳлилидан кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш соҳасида¹³

Йўналиш номи	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилда 2016 йилга нисбатан фарқи
Бекор қилинган ноқонуний қарорлар	44	20	46	30	-16

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бекор қилинган қарорларнинг мавжудлиги қарор лойиҳалари самарадорлиги баҳоланмаганлиги, яъни қарорнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, технологик ва экологик оқибатлари ҳисобга олинмаганлиги натижасида юзага келади. Бундай ҳолатга бошқарув қарорлари илмий асосланган ва тегишли соҳа мутахассислари фикрини инобатга олган ҳолда, манфаатдор, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қабул қилинмаслиги сабаб бўлади.

¹² Ташаббускорлик, амалий натижаларга эришишга интилиш, интизомга қатъий риоя этиш – белгиланган вазифаларни бажаришнинг муҳим омили. // <http://uza.uz/oz/politics/tashabbuskorlik-amaliy-natizhalarga-erishishga-intilish-inti-10-08-2017>

¹³ Адлия вазирлигининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумот // <http://www.minjust.uz/uz/about/statistics/>

Тадқиқот натижасида хулоса қилиш мумкинки, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг бошқарув қарорлари лойиҳаларини комплекс баҳолаш мезонларини амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ (2-жадвал).

2-жадвал

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг бошқарув қарорлари лойиҳаларини комплекс баҳолаш мезонлари¹⁴


БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ	БАҲОЛАШ ТАСНИФИ
Бошқарув қарорларининг ташкилот стратегик мақсадларига мувофиқлиги ва асосий ғояси белгиланганлиги	Қарор қабул қилишнинг илмий асосланганлиги, қарорда «Шахс-жамият-давлат» манфаатларининг устуворлиги. Қарор преамбуласи (кириш қисми)да мақсаднинг тўғри белгиланганлиги.
Қарор қабул қилиш сабабларининг асослантирилганлиги	Ижрочилар учун қарор қабул қилиш сабабининг тушунарлилиги, қарорнинг долзарб аҳамият касб этиши. Қарор қабул қилишда вазиятнинг танқидий таҳлил этилганлиги, қарор қабул қилиш заруриятини асосланганлиги.
Вазифанинг аниқ белгиланганлиги, ижрога йўналтирилганлиги	Ижро учун вазифаларнинг аниқ тақсимланганлиги. Ижро механизми тизимли ишлаб чиқилганлиги, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашга қаратилганлиги.
Қарорлар лойиҳасининг тайёрланиш сифати	Бошқарув қарорлари қабул қилиш хусусияти (ҳужжатнинг номланиши, расмий шаклнинг мавжудлиги, экспертизадан ўтказилганлиги).
Бошқарув қарорларида мотивациялаш омилларининг ҳисобга олинганлиги	Бошқарув қарорларини самарали татбиқ бўлишига кўмаклашувчи рағбатларнинг мавжудлиги, ижрочи ва манфаатдор ташкилотларни мотивациялаш воситаларидан фойдаланилганлик даражаси.
Қарорларда ижрочилар индивидуал хусусиятларининг ҳисобга олинганлиги	Бошқарув қарорларини амалга оширишда ижрочиларнинг индивидуал имконият ва қобилиятларининг ҳисобга олинганлиги.
Бошқарув қарорининг қонуний асосга эга эканлиги	Бошқарув қарорларининг амалдаги қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги, ваколат доирасида қабул қилинганлиги.
Бошқарув қарорларининг самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги	Қутилаётган натижаларни самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, қарорнинг ўз вақтида бажарилиши, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатининг реал ўзгариши.
Бошқарув қарорлари қабул қилишда ахлоқ тамойилларига таянилганлик	Қарор қабул қилишда демократик ва ахлоқий қадриятларга таянилганлик.
Бошқарув қарорлари қабул қилишда ресурслардан самарали фойдаланиш	Оптимал бошқарув қарорлари қабул қилиш, қарор ижросини таъминлашда ресурслардан оқилона фойдаланиш, қарор қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлашда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш.
Бошқарув қарорларининг янгиллиги	Қарор қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлашда инновацион ёндашувнинг мавжудлиги, қарор ижрочиларининг ижодий ёндашувини ҳисобга олиш.
Бошқарув қарорлари техник-дастурий таъминотининг мавжудлиги	Бошқарув қарорлари ижросини таъминлашга кўмаклашувчи техник-дастурий таъминотнинг мавжуд бўлиши, электрон ҳуқуқат тизимдан самарали фойдаланиш даражаси.
Бошқарув қарорлари ижросини ташкилот имижига ижобий таъсири	Қарор ижросининг ташкилот имижига таъсир этиш ҳолатини баҳолаш, қарор қабул қилувчи шахснинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи.
Қарорлар муқобилларининг мавжудлиги	Қарор лойиҳалари ишлаб чиқишда муқобилнинг мавжудлиги, қарорнинг реал амалиётга қўллаш имкониятининг юқоририлиги.
Бошқарув қарорларининг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва хўжалик фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилганлиги	Бошқарув қарорлари ижросини таъминлаш натижасида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) самарадорлигининг ошиши, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражаси, маҳсулот ва хизматларнинг сифати яхшиланиши.

Бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида самарали қарор қабул қилиш тизимини амалиётга татбиқ этиш заруриятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг виртуал қабулхонасига келиб тушган икки миллиондан ортиқ мурожаатлардан ҳам кўриш мумкин (2018 йил 1 сентябрь ҳолати).

Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ўрнатилган тартибга кўра, жамият ҳаётига алоқадор қабул қилинаётган қарорларнинг 30% онлайн тарзда, 70% тўғридан тўғри очиқ мулоқот тарзда муҳокамаси ташкил этилади. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

органларининг расмий сайтларида қабул қилинаётган қарорлар муҳокамасини ташкил этиш билан бирга, ҳафтанинг маълум бир куни кенг жамоатчилик ва манфаатдор ташкилотлар иштирокида стратегик қарор лойиҳалари муҳокамасини ташкил этиш лозим. Шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқарув қарорлари қабул қилишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади (4-расм).



- Бошқарув қарорлари қабул қилиш тамойиллари:**
- бошқарув қарорлари самарадорлигини комплекс баҳолаш;
 - бошқарув қарорларини объектив баҳолаш;
 - корхона (ташкilot)нинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари қабул қилиш моделини баҳолаш;
 - бошқа қарорлар билан таққослаш кўрсаткичларини баҳолаш;
 - бошқарув қарорларининг бажарилишини баҳолаш.

4-расм. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг бошқарув қарорлари қабул қилишда амал қилиши лозим бўлган жиҳатлар¹⁵

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштиришда бошқарув қарорлари қабул қилиш асоси ва тартибга солиш предметини аниқ белгилаш муҳим. Бу, ўз навбатида, «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси»¹⁶да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Кенгаши

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5505-сонли Фармони // <http://lex.uz/docs/3858817>

қарорларини қабул қилиш ташаббуси билан чиқиши мумкин бўлган мансабдор шахсларининг аниқ рўйхатини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳолат маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш босқичларини такомиллаштириш заруриятини вужудга келтиради (5-расм).

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг амалдаги босқичлари	Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш босқичларини такомиллаштириш бўйича таклифлар
Қарор қабул қилиш ташаббуси	Қарор қабул қилишга заруриятни аниқлаш (вазиятни таҳлил қилиш, муаммонинг гуруҳлаштириш, даражалаштириш, тизимлаштириш), муаммони танқидий таҳлили (қарор қабул қилмасдан туриб муаммони ҳал этиб бўлмаслигини изоҳлаш, шунингдек, у қайси муаммонинг (мавжуд, кенг қўламли ёки гипотетик) ечимига қаратилганлигини белгилаш зарур).
Қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш	Қарор лойиҳаси муқобилларини ишлаб чиқиш (SMART (Specific Measurable Accepted Realistic Time-dependent) усулини қўллаш орқали қарор лойиҳаси мақсадини белгилаш).
Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсир кўрсатувчи қарор лойиҳаларини Ягона интерактив давлат хизматлари порталига (ЯИДХП) жойлаштириш	Қарор лойиҳасини тартибга солиш таъсирини баҳолаш (қарор лойиҳаларини идоралараро электрон келишиш), бошқа орган ва ташкилотлар томонидан қарор лойиҳаларига электрон кўринишдаги виза қўйишни амалга ошириш, муаммони, уни ҳал этиш усулларини, рақобатга таъсирини таҳлил қилиш, тартибга солишнинг янги восита ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш).
Қарор лойиҳасини юридик хизмат томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш	Қарор лойиҳаси муқобиллари самарадорлигини эксперт баҳолаш (жамоатчилик муҳокамаси ва эшитувини амалга ошириш, лойиҳаларни жамоатчилик ва касбий доирада муҳокама қилиш, шу жумладан, фойда, харажат ва кутилаётган натижалар таҳлилининг ҳамда уларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, ижтимоий соҳа, тадбиркорлик фаолияти, атроф муҳит ҳолатига таъсирини, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини баҳолаш).
Қарор лойиҳасини манфаатдор орган ва ташкилотлар билан мувофиқлаштириш	Қарор лойиҳасини ҳудудий адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш (қарор мазмунидан келиб чиқиб, молиявий, экологик, коррупцияга қарши, ижтимоий-психологик экспертизадан ўтказиш).
Қарор лойиҳасини адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш	Қарор қабул қилиш ва уни ижрочилар ҳамда аҳолига тегишли тарзда етказилишини ташкил қилиш (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари веб-ресурсларида тезкор эълон қилиб бориш).
Қарор қабул қилиш ва уни ижрочилар ҳамда аҳолига тегишли тарзда етказилишини ташкил қилиш	Қарорнинг ижроси устидан назоратни ташкил қилиш (қарор ижросини мувофиқлаштириб бориш: «йўл хариталар»и тузиш, ижрони рағбатлантириш, самарасиз фаолиятга нисбатан санкция қўллаш).
	Қарор натижаси самарадорлигини онлайн баҳолаш (фуқаролар, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ва манфаатдор ташкилотлар).

5-расм. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш босқичларининг солиштирма таҳлили¹⁷

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари тўлиқ эълон қилинмаслик ҳолатлари мавжуд. Бироқ бундай ҳолат, биринчидан, ҳудудий норма ижодкорлиги жараёнининг бутун базасини тўлалигича қамраб олиш имконини бермаса, иккинчидан, унинг қонунчиликнинг тўғри ва ишончли манбаси сифатидаги мақомини шубҳа остига қўяди, чунки унда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қабул қилинган ва эълон қилинган қарорларига тезкор киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар акс эттирилмайди. Шунинг учун ҳар бир маҳаллий давлат


¹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳокимияти органлари расмий сайтида бошқарув қарорлари лойиҳасини илгари суриш, ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, ижросини мониторинг қилиш, уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш босқичларини электрон тизимга ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қарор қабул қилиш жараёнида шаффофликни таъминлаш учун қўлланадиган нормаларни белгилайдиган, уларни фуқаролар билан, қонунга мувофиқ ташкил этилган бирлашмалар билан, бошқа манфаатдор тарафлар билан, уларни қарорлар қабул қилиш жараёнида иштироки билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган «Қарорлар қабул қилиш жараёни шаффофлиги тўғрисида» қонун қабул қилиш лозим.

Диссертациянинг «**Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштириш йўллари**» деб номланган учинчи бобда бошқарув қарорлари қабул қилишда «ақлий марказлар»нинг роли, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш ҳамда ижро ҳокимиятида «ақлли тартибга солиш» моделлари ва қабул қилинаётган қарорлар таъсирини таҳлил қилиш методологиясини жорий этиш масалалари тадқиқ этилган.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари томонидан норматив-ҳуқуқий тусда қарорлар қабул қилишда кириш параметрлари (вақт, молиявий ресурслар ва ҳоказо) ва қарор натижасига қаратилган чиқиш параметрлари (эришилган натижалар, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар)ни аниқ белгилаб олиш лозим. Бу жараён динамик хусусиятга эга бўлиб, давлатнинг олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатига мос равишда ўзгариб боради. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг иқтисодий салоҳияти ташқи ва ички муҳит омилларининг ўзаро муносабати шароитида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш асосида ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш қобилияти сифатида намоён бўлса, аҳоли сони, таркиби, динамикаси ва унинг интеллектуал имкониятларини ижтимоий салоҳият сифатида таърифлаш мумкин.

Тадқиқот натижаларига кўра, ишлаб чиқилган маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қарор лойиҳаларининг муқобил вариантларини онлайн тартибда муҳокама қилиш орқали очиқлик ва шаффофликка асосланган қарор қабул қилиш моделида (6-расм) бошқарув қарорлари қабул қилишда фуқаролик жамияти институтлари (ННТ, ОАВлар ва жамоат бирлашмалари) ҳамда фуқароларнинг иштирок этиш имконияти кенгайди. Бунда баҳолаш объекти нафақат ҳоким фаолияти, эришилган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, балки ҳоким томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда амалдаги мавжуд тизим самарадорлиги баҳоланади. Таклиф этилаётган мазкур моделга кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти нафақат ҳисобот яқунларида балки бошқарув қарорлари қабул қилиш, қарорлар ижросини амалга ошириш жараёни ҳамда қарор натижалари бўйича узлуксиз электрон тизим орқали баҳо бериб борилади.



6-расм. Маҳаллий ижро ҳокимияти органларида очиклик ва шаффофликка асосланган бошқарув қарорлари қабул қилиш модели¹⁸

¹⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

